

Абдулла Улугов

# Дурдона

ёхуд таг маънога тўла  
“Даҳшат”



Абдулла Улуғов

**ДУРДОНА  
ЁХУД ТАГМАЪНОГА ТЎЛА  
“ДАХШАТ”**

Монография



Тошкент - 2019

УЎК 821.512.133.09  
КБК 83.3(5У)  
У.45

Улугов, Абдулла.

Дурдона ёхуд тағмаёнаго тўла "Даҳшат" [Мати] монография /  
А.Улугов. – Тошкент: Muhaqiqat nashriyoti, 2019. – 120 б.

ISBN 978-9943-6018-4-0

"Монография" термини юнотча "монос" (биғта, якка) ҳамда "тра-  
фо" ("ёзмач") сўзларидан ясалган бўлиб, биғта (объект)нинг тавсифи,  
"шарҳи" деган маънони англатади. Матёқуб Кўшжановнинг "Қўтлуғ қон",  
"Сароб" романлари, Абдулла Қаҳҳор хикоялари ҳақидаги тадқиқотлари  
Ўзбек адабиётшунослигида шу йўналишдаги самарали ишларни си-  
расига кирати. Уларда муайян асар сюжетни батафсил шарҳлалиб, унинг  
фояси, муаллифнинг мақсади ва бэдий маҳорати атрафлича ёритиб  
берилган. Адабиётшунос Абдулла Улуговнинг мазкур тадқиқотида эса  
атокли адиб Абдулла Қаҳҳорнинг машхур асарларидан бири – "Даҳшат"  
хикояси хусусида сўз юритилиб, унинг матини қатидати маъноларни  
ёчишта ҳаракат қилинган.

УЎК 821.512.133.09  
КБК 83.3(5У)

Масхул муҳаррир.

Бахтиёр Назаров,

академик, филология фанлари доктори, профессор

Тахрирчилар:

Умарали Норматов,

филология фанлари доктори, профессор

Баҳодир Каримов,

филология фанлари доктори, профессор

Мазкур монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек  
тили ва адабиёти университети кенгашининг 2019 йил 30 ноябрдаги  
5-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган

ISBN 978-9943-6018-4-0

© А.Улугов.  
© «Muhaqiqat nashriyoti».  
Тошкент, 2019.

Бундан ярим асрдан кўпроқ вақт аввал – 1965 йили "Ёш  
гвардия" нашриётида Абдулла Қаҳҳорнинг 228 саҳифадан  
иборат қалин, қизил муқовали китоби босилиб чиққан.  
Нурбек муҳаррирлик қилган мазкур китобни улуғ адибнинг  
ўзи тузиб тартиблаштирган ва уни "Ўзбек хотин-қизлари  
қисмати ҳақидаги хикоялар ва повестъ" деб номлаган. Рус-  
часи эса "Избранные. Рассказы и повести" деб кўрсатилган.  
Китобга муаллифнинг ўнта хикояси ҳамда "Синчалак"  
қиссаси киритилиб, унда Озод Шарафиддиновнинг "Ўзбек  
аёлининг тақдирини" деб номланган салмоқли сўнгсўзи ҳам  
берилган. Ушбу ўнта хикоя ҳамда қисса ёзувчининг  
1967-1971 йилларда нашр қилинган олти, 1987-1988 йил-  
ларда босилиб чиққан беш жилдлигидан ҳам ўрин олган.  
Олти жилдликда адибнинг 38 та хикояси берилгани, беш  
жилдликда эса 42 та хикояси, 4 та қиссаси ("Олтин юлдуз",  
"Синчалак", "Утмишдан эртақлар", "Муҳаббат"), 2 та романи  
("Сароб", "Кўшчинор чироқлари") борлиги эътиборга олин-  
са, Абдулла Қаҳҳор ижодида Ўзбек хотин-қизлари ҳаётига  
бағишланган асарлар катта салмоқни ташкил этиши, бу  
мавзу адиб ижодининг марказида туриши аён бўлади. Адиб  
Ўзбек хотин-қизлари қисмати ҳақидаги ушбу хикоялари  
ва "Синчалак" қиссасида аёлларнинг аҳолини акс эти-  
риш орқали муайян даврдаги ижтимоий ҳаёт манзараси,  
кишиларнинг дунёқароши, уларнинг маданий-маърифий  
қиефасини чизиб берган. Аёлларнинг жамиятдаги ўрни эса  
ижтимоий турмушни тавсифлашда, муайян замонга баҳо  
беришда ҳақиқат муҳим мезон саналади ва бундан кейин  
ҳам шундай бўлиб қолади. Абдулла Қаҳҳор шу ҳақиқатдан  
келиб чиқиб, ҳаёт воқелигининг турли кўринишларини  
ўзига хос услубда ёритади.